

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВА ДИЛБАР АБДУКАДЫРОВА

ДЖОН ГОЛСУОРСИ АДАБИЙ МЕРОСИНING
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Исаева Дилбар Абдукадыровна Джон Голсуорси адабий меросининг фалсафий таҳлили	5
Исаева Дилбар Абдукадыровна Философский анализ литературного наследия Джона Голсуорси.....	21
Isaeva Dilbar Abdukadirovna Philosophical analysis of the literary heritage of John Galsworthy.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	46

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСАЕВА ДИЛБАР АБДУКАДЫРОВНА

ДЖОН ГОЛСУОРСИ АДАБИЙ МЕРОСИНИНГ
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Fal 200 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчехра Неъматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хусейнова Абера Амоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Рузметова Гулноз Мирахроровна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси.)

К.Б.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

А.З. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ҳ.Ю. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари инсоният истиқболи учун кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда, ёшлар онгида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг қадрсизланиб бориши, оилавий анъаналар, меҳнатга, табиатга нисбатан ёшлар онгида лоқайдлик муносабатини юзага келтириш сингари салбий оқибатларни келтириб чиқараётгани буюк мутафаккирларнинг гуманистик меросини тадқиқ этишга ундамоқда. Айниқса, Джон Голсуорсининг «бугунги кунда, шунингдек, 70 йил олдин, тил, маданият ва диний эътиқодига қарамай, бизни бирлаштирадиган»¹ умуминсоний қадриятларни тарбиялаш воситаси сифатидаги эркинлик ва адолатга оид ғояларини амалий фаолиятга жорий этиш зарурияти ортиб бормоқда. Бу эса замонавий ёшлар онгида миллий маданиятимизга хос концептуал ёндашувлар асосида турли халқлар маданиятининг образларини янада тўлиқ ҳосил қилиш ҳамда эзгулик, одамийлик ва гуманизм ғоясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда инсон ҳаётининг қадриявий мўлжаллари ва мотивлари тизимини шакллантириш, эзгулик, инсон борлигининг мазмуни, инсон ва табиат муносабати, ижтимоий муаммолар ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммолари бўйича тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада Джон Голсуорси адабий меросидаги инсон мавжудлигининг маъноси, урушнинг ижтимоий ҳодиса сифатида кўриниши, эркинлик ва адолат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, экологик гуманизм тўғрисидаги қарашларни инновацион методлар воситасида тизимли фалсафий таҳлил қилиш йўналишида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш зарурати таъкидланмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар томонлама ривожланган ёшларни шакллантиришга оид ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий соҳалардаги устувор вазифаларни амалга оширилмоқда. «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз»². Гуманизм ва адолат тамойилларини ахлоқий-фалсафий тамойиллар сифатида англаб етиш учун Джон Голсуорсининг адабий меросини, хусусан, унинг шахс эркинлиги ғоясини фалсафий таҳлил қилиш, бу борада тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-

¹ Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 70-йиллиги муносабати билан қабул қилинган Декларация. 23 ноябр 2015 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияю.// Doc. UN A/RES/70/3.

² Мирзиёев Ш. Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади.//Халқ сўзи. 20 январ 2021йил, №13(7762) <https://xs.uz/ru/site/newspaper?page=2>

тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутааласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларининг ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илм-фанида Джон Голсуорси таржимаи ҳоли ҳамда илмий меросини ўрганишда Н.Кроман, Х.Меррот, Р.Моттрэм, А.Фрейшет, К.Дюпренинг³ тадқиқотлари муҳим аҳамиятга молик. Айниқса, ёзувчи бадиий ва публицистик меросининг ижтимоий жиҳатларини таҳлил этган замонавий олимлардан М.Кноэстер, Ж.Резник ва Ж.Дюррей⁴ тадқиқотлари илмийлиги билан ажралиб туради. Джон Голсуорси маънавий меросини илмий тадқиқ этишда МДХ олимларидан Д.Жантиева, М.Воропанова, М.Тугушева, Н.Алиева, Е.Котова, В.Меняйло, С.Чумилкин⁵ларнинг илмий ишлари катта қизиқиш уйғотади. Диссертацияда қўйилган вазифаларни бажаришда В.Ипполитова, А.Краснова⁶ асарлари муҳим рол ўйнаган бўлса, назарий-услубий

³ Croman, Natalie. John Galsworthy: a Study in Continuity and Contrast, Cambridge-Massachusetts, Harvard University Press, 1933. – 58 pp.; Marrot, H. V., The Life and Letters of John Galsworthy (London: The Edinburgh Press, 1935) – 819 pp.; Mottram, R.H., For Some We Loved, an Intimate Portrait of Ada and John Galsworthy, London, Hutchinson, 1956. – 296 pp.; Frechet, Alec. John Galsworthy: A Reassessment. London: Macmillan, 1982. – 229 pp.; Кэтрин Дюпре. Джон Голсуорси. М.: Радуга, 1986. – 312 с.

⁴ Knoester, Maarten Willem. Faith of a Novelist Religion in John Galsworthy's Work. Hogeschool INHOLLAND, 2006. – 273 pp.; Reznick, Jeffrey S. Galsworthy and Disabled Soldiers of the Great War. Manchester: Manchester University Press, 2009. – 240pp.; Jill Felicity Durey. John Galsworthy's Conscience and First World War Disablement. / *Victoriographies* 8.2 (2018)

⁵ Жантиева Д. Джон Голсуорси. Москва: Правда, 1962. Соб.соч. в 16-ти томах. Т.1, С.3–30; Воропанова М.И. Джон Голсуорси: очерк жизни и творчества / М.И. Воропанова. – Красноярск: Кн.-журн. изд-во, 1968. – 550 с.; Тугушева М. Конец главы. / Джон Голсуорси. Конец главы. Ташкент: Укитувчи, 1990, С. 3–12; Алиева Н. Художественное время в трилогии Джона Голсуорси «Сага о Форсайтах». ISSN 2075-1486. Филологічні науки. Збірник наукових праць. 2011. № 9, С.67–71; Котова Е. П.Е.Н.-клуб и Джон Голсуорси. История создания международной организации и место в ней писателя. // Вестник Вятского государственного гуманитарного университета. Киров, 2012. С. 140–144.; Menyailo V.V., Chumilkin S.V. Трансформация викторианского текста в английской литературе XX в. (на материале «Саги о Форсайтах» Дж. Голсуорси и «Женщины французского лейтенанта» Дж. Фаулза).// Вестник Томского государственного университета. 2019. № 439. – С. 26–32. DOI: 10.17223/15617793/439/4.

⁶ Ипполитова В.В. Философские основы английского эстетизма //Вестник Санкт-Петербургского государственного университета культуры и искусств. 2011. № 3. С. 143–146.; Краснова А.Г. Фарисейство как морально-этическое понятие // Культура. Духовность. Общество: сборник материалов XIV Международной научно-практической конференции / Под общ. ред. С.С. Чернова – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2014. – С. 178 – 186.

жиҳатларни ўрганишда В.Соловьёв, Р.Апресян, А.Гусейнов⁷ сингари тадқиқотчиларнинг илмий ишларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизнинг етакчи олимларидан Э.Умаров, Х.Саломова⁸лар илмий изланишлар олиб боришган. Джон Голсуорси меросини адабий-публицистик нуқтаи назардан таҳлил этишда В.Жумаева, Г.Атаева, О.Умарова⁹ жонбозлик кўрсатганлар. Джон Голсуорси мероси адиблар О.Шарафиддинов, Х.Зиёхонова томонидан ўзбек тилига таржима қилинган¹⁰.

Мамлакатимизда номлари қайд этилган олимларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ, Джон Голсуорси адабий меросини фалсафий контекстда таҳлил этишга эҳтиёж ортиб бормокда. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, илк маротаба Джон Голсуорси публицистик ва бадиий асарларининг фалсафий таҳлили, уларнинг ижтимоий-ахлоқий аҳамиятини атрофлича тадқиқ этиш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (2017-2021 йй.) «Демократик жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Джон Голсуорсининг адабий меросини ижтимоий ва фалсафий таҳлил қилиш ҳамда мамлакатимиз манфаатларидан келиб чиқиб, ёшлар тарбиясида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX асрнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, маданий ва маънавий ҳаёти, янги фалсафий ва сиёсий оқимлари ҳамда Джон Голсуорси фалсафий дунёқарашининг шаклланишига таъсир ўтказган илмий-назарий асосларни очиб бериш;

Голсуорси адабий-фалсафий меросидаги гўзаллик ва эркинлик ахлоқий категорияларининг диалектик алоқадорлигини илмий асослаб бериш;

⁷Соловьёв В.С. Соч. в 2-х т., т. 1–М.: Мысль. 1990. – 688с.; Апресян Р.Г. Историческая и нормативная динамика идеи моральной автономии. // Дискурсы этики, № 9-10, С. 13–33 – М.:2015; Апресян Р.Г. Понятие морального чувства в этике Фрэнсиса Хатчесона (ранний период) // Этическая мысль. - М.:2015. – Т.15. – С. 170–200; Гусейнов А.А. Нравственность и право: взаимодействие или взаимодополнительность.// Вестник Университета имени О.Е. Кутафина, издательство Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования "Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина (МГЮА)" – М.:2016., № 4, с. 8-13; Гусейнов А.А. О нации как духовной общности// Вопросы культурологии, издательство Панорама - М.:2016 № 7, С. 54–68; Гусейнов А.А., Резник Ю.М. Этика философа (в порядке диалога). Часть 2. О призвании и ответственности философа (окончание)// Личность. Культура. Общество, – М.:2014., том 16, № 1-2, С. 81–82.

⁸ Умаров Э.У., Загыртдинова Ф.Б. Этика. Прикладная этика. – Ташкент: Noshir, 2012. – 200 с.; Саломова Х.Ю. Мера как философская категория. – Бухара: Дурдона, 2018.

⁹ Джумаева В. Мир вещей как самостоятельный герой в “Сage о Форсайтах”.//“Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим”. №4, – Самарканд, 2005. –С. 71–73.; Атаева Г.М., Умарова О.С.Эмоциональные междометные фразеологические единицы в тексте. // Научный вестник, № 2(108) – Самарканд,2018.–С.84–86.

¹⁰ «Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида».(Озод Шарафиддинов таржималари) - Т.: «Маънавият», 2010.- 392с.; Голсуорси Ж. Мулкдор. Романдан парча (Рус тилидан Х.Зиёхонова тарж.). /«Жаҳон адабиёти», 2015. №10 – С.11-37

Джон Голсуорси онтологик, гносеологик, антропологик, ахлоқий қарашларини компаратив таҳлил этиш асосида XX аср ижтимоий-фалсафий ғоялар тизимидаги ролини аниқлаш;

Голсуорси ижодида ижтимоий ҳодисаларни (уруш, қашшоқлик, янги қатлам шаклланиши) тадқиқ этиш, ижтимоий детерминизм тамойили орқали амалга оширилганлигини исботлаш;

Джон Голсуорси қарашларидаги «мулк» категориясининг фалсафий жиҳатлари (мулк ва ахлоқ, мулк ва жавобгарлик, мулк ва эркинлик) тўғрисида илмий хулосалар чиқариш;

замонавий авлод тафаккурида экологик гуманизм, оилавий муносабатлар, аёлларни эъзозлаш, инсон қадрини юксалтиришга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Джон Голсуорсининг адабий ва публицистик мероси танланган.

Тадқиқотнинг предмети Джон Голсуорсининг детерминизм, инсонпарварлик тўғрисидаги фалсафий ғоялари, унинг мулкчилик фалсафаси ва ҳаёт фалсафаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг диалектик, комплекс, компаратив таҳлил, ретроспектив ва герменевтик усуллардан фойланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Джон Голсуорси асарларидаги гўзаллик ва эркинлик категорияларининг диалектик алоқадорлиги, Гўзалликнинг эстетик моҳияти эзгулик, эркинлик, адолат каби ахлоқий категорияларга трансформацияланишуви ҳамда Эркинликнинг ахлоқий моҳияти гўзаллик ва улуғворлик эстетик категорияларига ҳамоҳанглиги мантиқий исботланган;

ёзувчининг фалсафий дунёқараши Бергсон ва Спенсерни оламни билиш ва билмаслик, Худо ва табиатнинг бирлиги, инсон моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотларининг онтологик ва антропологик хусусиятлари билан ўзаро таъсирда эканлиги фалсафий тезислари асосида далилланган;

ёзувчининг асарларида инсон борлигининг мазмуни, цивилизациявий тараққиёт ва замонавий жамият маънавий мўлжаллари диалектикаси; урушнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги; мулк ва ахлоқ муносабатлари каби ижтимоий-фалсафий муаммолар ижтимоий детерминизм тамойили контекстида тадқиқ этилганлиги илмий асосланган;

Джон Голсуорси ғояларининг илмий-техник тараққиёт шароитларида табиатни асрашга йўналтирилган экологик гуманизм; оила ва жамиятда аёлларнинг ижтимоий роли; адолат устуворлигини таъминлаш каби долзарб ахлоқий-фалсафий тамойилларни шакллантиришдаги ҳамда маҳкумлар ҳуқуқини таъминлашдаги тарбиявий аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Джон Голсуорси қарашларининг XX аср фалсафий тафаккурига сезиларли ҳисса қўшганлиги ва бу унинг асарларидан олий таълим тизимидаги «Фалсафа», «Этика», «Эстетика» ўқув фанларида фойдаланишга имкон бериши исботланган;

Голсуорсининг эркинлик ва адолат тўғрисидаги ғоялари Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда муҳим назарий-методологик манба эканлиги асослаб берилган;

Англиядаги XX аср анъанавий оила-никоҳ муносабатларининг ўзбек оилаларидаги муносабатларга ўхшашлиги аниқланган ҳамда Джон Голсуорси меросидаги сюжетларни танқидий таҳлил қилиш асосида умуминсоний кадриятлар асосида оилавий муносабатларни барпо этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тадқиқот жараёнида бирламчи манбалардан фойдаланилганлиги билан эришилган, шу билан биргаликда тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия қилинган журналлардаги нашрларда, хорижий нашрларда баён қилинган, шунингдек тадқиқотда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосаларнинг фалсафа тарихи таҳлили, жумладан Джон Голсуорси ғояларининг экологик гуманизм, оила ва жамиятда аёлларнинг ижтимоий роли, адолат устуворлигини таъминлаш каби долзарб ахлоқий-фалсафий тамойилларни шакллантиришдаги тарбиявий аҳамияти очиб берилиши билан муайян назарий ҳисса қўшиши, замонавий ёшларда интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишни шакллантириш учун Джон Голсуорси фалсафий қарашлари долзарблигининг назарий жиҳатдан исботланганлиги, «Фалсафа тарихи», «Ижтимоий фалсафа», «Этика», «Эстетика» фанлари мазмунининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалардан Голсуорсининг фалсафий қарашларини навбатдаги илмий ишларда файласуфлар ва бошқа ёзувчиларнинг ғоялари билан қиёсий таҳлил қилишда, «Маънавият ва маърифат» марказларининг тарбиялаш фаолиятида, Ёшлар Иттифоқи кенгаши томонидан ёшларни хорижий адабиётларни мутолаа қилишда, шунингдек, Джон Голсуорсининг ва XX аср файласуфларининг фалсафий ғояларини ўрганишга жалб қилиш учун маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Джон Голсуорсининг ижтимоий-фалсафий қарашларини тадқиқ қилишнинг илмий натижалари асосида:

гўзаллик ва эркинлик категорияларининг диалектик алоқадорлиги, Гўзалликнинг эстетик моҳияти эзгулик, эркинлик, адолат каби ахлоқий категорияларга трансформацияланишуви ҳамда Эркинликнинг ахлоқий моҳияти гўзаллик ва улуғворлик эстетик категорияларига ҳамоҳанглигига оид илмий хулосалардан Бухоро муҳандислик-технология институтининг №АИҒ 2/20 «Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида

техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш ОТМ ўқитувчилари малакасини ошириш» лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-97-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларнинг ўз-ўзини намоён этиши, ижодий фаолиятини таъминлашига, касбий ва шахсий мувафақиятини таъминлашга, шунингдек Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, бузғунчи ғояларга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга ва тўғри ҳаёт йўлини танлашга хизмат қилган;

ёзувчининг фалсафий дунёқараши Бергсон ва Спенсерни оламни билиш ва билмаслик, Худо ва табиатнинг бирлиги, инсон моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотларининг онтологик ва антропологик хусусиятлари билан ўзаро таъсирда эканлигига оид таклифлар ва хулосалар «Голсуорсининг бадий ижодиётидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар» қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-97-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларнинг Ғарб фалсафасини ўрганишга қизиқиши ортган ва ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш, ёшлар ўртасида билим даражасини ошириш учун назарий-методологик манба бўлиб хизмат қилган.

инсон борлигининг мазмуни, цивилизациявий тараққиёт ва замонавий жамият маънавий мўлжаллари диалектикаси; урушнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги; мулк ва ахлоқ муносабатлари каби ижтимоий-фалсафий муаммолар ижтимоий детерминизм тамойили контекстида тадқиқ этилганлигига оид хулоса ва тавсиялардан ЎзЛиДеП дастурини тайёрлашда ҳамда «START UP EXPORT», «START UP INVEST», «START UP INNOVATION» лойиҳалари доирасида фойдаланилган (ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2019 йил 20 декабрдаги 01-27/983-сонли маълумотномаси). Натижада тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшларда адолат ва инсонпарварлик тамойилларини тарбиялаш учун мулкчиликнинг нафақат амалий, балки ахлоқий жиҳатларини ўргатишга имкон яратган;

илмий-техник тараққиёт шароитларида табиатни асрашга йўналтирилган экологик гуманизм; оила ва жамиятда аёлларнинг ижтимоий роли; адолат устуворлигини таъминлаш каби долзарб ахлоқий-фалсафий тамойилларни шакллантиришдаги ҳамда маҳкумлар ҳуқуқини таъминлашдаги тарбиявий аҳамиятига оид хулоса ва таклифлардан Ёшлар иттифоқи томонидан «Джон Голсуорсининг экологик инсонпарварлиги», «Джон Голсуорси асарларидаги мулкчиликнинг маънавий жиҳатлари», «Ўзбек ёзувчилари Муқимий, Фитрат, Фурқат, Чўлпон ва инглиз ёзувчиси Джон Голсуорси асарларидаги ижтимоий муаммолар» мавзулари бўйича ўтказилган профилактик тадбирлар сценарийларини тузишда фойдаланилган (Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 30 январдаги №04-13/388 сонли маълумотномаси). Натижада ёшларнинг ўзбекона ва ғарбона анъанавий қадриятларнинг қиёсий таҳлил қилиш кўникмасига ижобий таъсир кўрсатган, шунингдек жамиятда адолат тамойилини устуворлигига эришиш ва экологик маданиятни тарбиялашга имкон яратган;

ватанпарварлик, инсонпарварлик, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат, шахс эркинлигига оид мулоҳазалар ва хулосалардан «Ассалом Бухоро», «Неделя», «Замондош» телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда ўз аксини топди (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 29 ноябрдаги №1/425-сонли маълумотномаси). Натижада бу замонавий ёшларнинг маънавий маданияти ва ахлоқини юксалтиришга хорижий адабиётга қизиқишни уйғотишга ҳамда табиатга эҳтиёткорона муносабат, аёлларни ҳурмат қилиш, инсон шаънини улуғлаш ҳам Шарқ, ҳам Ғарб жамиятига хос тамойил эканлигини англашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, жумладан, булардан 8 мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шунингдек 2 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Ўзбекистон ва хорижда мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг амалий натижалари, усуллари, илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Джон Голсуорси ижодига доир тадқиқотларнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида Джон Голсуорси фалсафий ва ижтимоий қарашларининг шаклланиши, адабий ижоднинг пайдо бўлиши ҳамда ижтимоий фаолияти атрофлича кўриб чиқилган. Интуитивизм, ижтимоий дарвинизм, ҳаёт фалсафаси ва психоанализ каби фалсафий йўналишлар, албатта Голсуорсининг дунёқарашига таъсир кўрсатган. У фаол тарзда бу тамойилларнинг барчасини ўзининг адабий ва журналистик асарларида ифодалади. Бунинг тасдиғини ҳатто айрим мақола ва қайдлар: «Ҳаёт фалсафаси», «Оламнинг табиати», «Ирода эркинлиги ва детерминизм», «Дин ва фалсафа», «Теизм ва гуманизм» номланишларида ҳам кўриш мумкин. Бироқ, унинг фалсафий тезисларини таҳлил қилиш жараёнида ёзувчи файласуфларнинг дунёқарашига ҳар доим ҳам мос келмайдиган бу тушунчаларнинг ҳар бири бўйича ўз нуқтаи назарига эга бўлган, деган хулосага келинди. Бу, айниқса, Голсуорсининг Биринчи жаҳон урушидан кейин ёзилган асарларида кўзга ташланади.

Голсуорсининг антропологик қарашларини тадқиқ этиб, унинг фаразларида инсоннинг ўзи одатда диний тушунчаларда Худо эга бўлган хислатларни ташувчи табиатан олий мавжудот деган хулосага келинди. Голсуорсининг Худо ҳақидаги диний эътиқодлари ҳам инсон билан узвий боғлиқ, лекин у Инсонинг образини қатъиян рад этади. Бунда ёзувчининг христиан ахлоқини иккиюзламачи деб ҳисоблаган Ницше билан қарашларида ўхшашлик мавжуд, чунки у инсонга жуда оғир юк – Инсонинг идеалига мос келишини юклайди. Голсуорси инсон шаклларида юқори жойлаштирилган, аслида одамларнинг ўзлари ҳам ишонмайдиган диний шаклларнинг устунлигидан ғазабланади.

Голсуорси ўз фикрлашида агностицизм ва пантеизм элементларидан фойдаланиб, мистика ва теизмни очиқчасига танқид қилади. Ўқувчига жавоб бўлган «Теизм и гуманизм» мақоласида мутафаккир инсоннинг ақли ва ҳиссиётидан (яъни ҳис-туйғулар ва уларнинг олий ҳосилалари орқали) Коинот ва Худони тушунишнинг бошқа мистик усули мавжудлиги ҳақидаги барча баёнотлар номақбулдир, деган фикрни ифодалайди.

Голсуорсининг дин ва фалсафага оид қарашларини таҳлил этиш, унда бўлган Спенсернинг нисбатан ҳал қилувчи таъсирини кўрсатади. Хусусан, Спенсернинг «билиб бўлмайдиган» ҳақидаги тушунчаси унинг бу борадаги қарашлари учун аҳамиятлидир. «Уйғунлик – дин. Коинот» тезисида Голсуорси коинотни илмий тадқиқ қилиш ва Худо-инсонни билишга уриниш чексиз, чунки бу жараён «Ижодий мақсад доираси»дир деган фикрга таянади. Коинотнинг яратилиши – бу кимнингдир ижодий ғоясидир. Коинот мавжудлигининг ўзи чексиз ижодий жараёндир. Голсуорси барча нарсанинг асл сабаби ҳақидаги ғоя илмий тадқиқотлар ва динда ҳам мавжуд деган хулосага келади.

Анри Бергсоннинг фалсафаси Джон Голсуорсининг фалсафий дунёқарашини шаклланишида, айниқса, эркин ирода ва детерминизм, яратилиш, мавжудлик ва Худога ишониш каби масалаларда асосий аҳамиятга эга эди. «Ҳаёт фалсафаси» қайдида Голсуорсининг ёзишича, файласуф икки нарсани ҳис қилади: «мен ҳеч қачон тақдирга юзма-юз қарашдан тўхтамайман» ва «комил бўлишга интиламан». У бу ҳис-туйғуларда эркин ирода ва детерминизм ётади ва фақат самарали ва муносиб ибодат ҳаракатдир, деган хулосага келади¹¹. Бергсон ҳам, ҳақиқий эволюция – рассомнинг иши каби ижодий эканлигини таъкидлайди; бу динамик ва абадий ҳаракатнинг натижасидир¹². Голсуорси бу борада ҳам унга ўхшайди. У рассом мукамалликка интилади, галма-гал муваффақиятсизликка учрайди ёки муваффақият қозонади (чунки муваффақиятсизлик бўлмасдан муваффақият бўлмайди), тўхтовсиз равишда икки қарама-қарши тамойил ўртасида – Хилма-хиллик тамойили (барча тирик мавжудотлар) ва Бирлик тамойили (Коинот) ўртасида уларнинг мувозанатига эришишнинг сирли нуқтасига эришишга ҳаракат қилади.

¹¹Қаранг. JohnGalsworthy. Philosophy of Life. Complete Works of John Galsworthy. First published in the United Kingdom in 2013 by Delphi Classics. <https://books.google.co.uz/books?id=DWgbAgAAQBAJ&pg=PT7&lpg=PT7&dq> (муаллиф таржимаси)

¹²Қаранг. Russell, Bertrand, History of Western Philosophy, London, George Allen & Unwin Ltd, 1946, 7th impr., 1974 – P.757

Бобда Джон Голсуорсининг илмий-техник тараққиёт, инсон онги ва табиатнинг ўзаро таъсири ҳақидаги ғоялари баён этилган. Экологик инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилиб, ёзувчи одамларни ўз-ўзини йўқ қилиш, табиатдаги мувозанатни бузиш, ахлоқий онг яхлитлигини йўқотишдан огоҳлантиради, одамларга ҳақиқий моҳиятини эслатади, йирик кучларнинг доимий рақобати бутун инсониятнинг манфаатлари ва кадриятларига таҳдид солади. Шу сабабли О.Шпенглернинг «маданиятли одамнинг бепуштлиги», шунингдек Габриэль Марселнинг замонавий цивилизацияда инсоний бегоналашув муаммоси ҳақидаги фикрлари билан қиёсий таҳлил этилди. Ёзувчи ҳатто замонавий шаҳар цивилизациясида ҳам инсоннинг табиат билан «қондошлик муносабати» нафақат экологик инкирозда, балки инсоннинг хулқ-атвори ва характериға таъсир кўрсатадиган баъзи узоқ муддатли тақиқлар ва рухсатлар тизимларида ҳам мавжудлигини кўрсатмоқчи. Худди шундай фикрни ал-Киндийнинг «Вужудға келиш ва ҳалокатнинг яқин ҳаракатдаги сабабини тушунтириш» рисоласида ҳам учратиш мумкин, бунда файласуф иқлим худудларининг инсон характери ва темпераментига таъсири билан бевосита алоқадорлигини келтиради. Унинг ғоялари ва В.И.Вернадский, Альберт Швейцер ва бошқа файласуфларнинг ғоялари ўртасидаги ўхшашлик ҳам ўрганилган.

Голсуорси ўз асарларининг аксариятини XX аср бошларида аёлларнинг жамиятдаги мавқеи билан боғлиқ муаммоларға бағишлаган. Инсонпарвар олим аёлларнинг кўпроқ ижтимоий ёрқинликни қўлга киритиши, жамиятнинг аёлларға ижтимоий гуруҳ сифатида эътиборини ошириш учун тинимсиз курашган.

Ёзувчи қиролича Виктория давридаги турли ижтимоий қатлам аёллари позициясининг яхлит образини яратди ва жамият томонидан белгиланган ҳатти-ҳаракатлар моделини акс эттирди.

Аммо Голсуорси, гуманист олим сифатида энг кам таъминланган аёллар тақдири ҳақида қайғурган. Ушбу аёллар қатлами озод қилиш давриға нисбатан пассив бўлиб қолди. Ахир улар оилавий ғамхўрлик ва ишлаб чиқаришдаги оғир меҳнат ёки бировнинг уйида хизмат қилишдек икки томонлама оғир юкни кўтаришлари керак эди. Шунинг учун Виктория даври ахлоқий идеаллари улар учун бегона, шунчаки уларда на куч ва на вақт бор эди.

Оилавий зўравонлик мавзусини Джон Голсуорси кўпинча «Конец главы» (Боб якуни) романи, «Правосудие» (Адолат) пьесаси ва бошқа асарларида кўтаради. Джон Голсуорси ижтимоий ёзувчи сифатида ўз фуқароларининг турмуш тарзи ва менталитетининг диалектик ривожланишини акс эттирган. У Виктория ахлоқи азалдан мамлакатнинг иқтисодий тараққиётдан орқада қолаётганини ва феминистик ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, уларнинг ҳимоячилари жамият ривожланишининг янги соҳалари пайдо бўлиши ва жамиятнинг билимли ва фаол аёлларға бўлган эҳтиёжи билан олдиндан белгилаб қўйилганлигини тушунди. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, янги технологияларнинг пайдо бўлиши, бюрократия, тиббиёт ва таълим тизимининг узлуксиз ўсиб бориши аёлларнинг жамоат ишларида фаол иштирок этишини тақозо этди.

Ўша даврнинг бутун ижтимоий динамикасини очиб берган Джон Голсуорси каби ёзувчи ва мутафаккирларнинг асарлари туфайли, аёлларни озод қилиш ғоялари билан бир қаторда, аёллар масаласини шакллантириш ва амалга оширишга киришдилар.

Голсуорсининг уруш ва инсон онги диалектикасини тушуниши шубҳасиз муҳимдир. Голсуорси фалсафасида уруш санъат ривожига ҳам туртки бериши мумкин, инсонда нафақат тубан инстинктлар, балки юксак маънавий импульслар ҳам уйғониши мумкин. Урушни «инсон деб номланган ҳайвонни секин ва босқичма-босқич инсонпарварлаштиришга қарши ёввойиликнинг қадимги инстинктларида навбатдаги бир исён»¹³, деб атаб Голсуорси бу урушдаги кураш орқали, қарама-қаршилиқларнинг бирлиги ва кураши қонунига кўра, Инсонпарварлик ва Демократия дунёда ўз мавқеини мустаҳкамлайди, деб ишонади.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини инсонпарварлаштириш асосида Голсуорсининг қамоқхона ислоҳоти учун курашининг аҳамиятини қайд этишимиз лозим. Буюк Британиянинг Ички ишлар вазири Герберт Джон Гладстонга ёзган мактубида (май, 1909 й.) буюк гуманист якка ҳолда қамашнинг адолатсизлиги ва шафқатсизлиги ҳақида батафсил ва ишонарли фактлар беради. У вазирга иккита ҳақли савол беради: а) бу якка ҳолда қамаш амалиёти кўрқитувчи омилми? б) тамаддунли давлат ҳуқуқбузарларни кўрқитиш мақсадида бўлса ҳам бир неча ой давомида рухий, ахлоқий ва жисмоний саломатликка мутлақо қарама-қарши бўлган аҳволда ушлаб туриш ҳуқуқига эгами?¹⁴

«Джон Голсуорси асарларида шахс Гўзаллиги ва Эркинлиги ҳақидаги фалсафий ғоялар» номли иккинчи бобда, Джон Голсуорси адабий ижодининг ахлоқий ва эстетик жиҳатлари кўриб чиқилади. «Мулқдор» романи таҳлили асосида мутафаккирнинг Эркинлик ва Муҳаббат ахлоқий категорияларига трансформацияланадиган Гўзаллик эстетик категориясига оид қарашлари очиб берилади. Гўзалликнинг утилитар маъноси ёзувчи томонидан қатъиян рад этилади, у объектив равишда мавжуд ва у Голсуорсининг сўзларига кўра, табиат, санъат ва аёлда акс этади.

Бундан ташқари, ушбу бобда санъат воситасида ифодаланган Гўзаллик масалалари ҳам ўрганилиб, у орқали инсон маънавий эркинликка эришади. Гўзалликда ёзувчи инсон табиатининг ҳақиқатини, инсон моҳиятини кўради. Эркинликда инсоннинг туб моҳияти ифодаланади, табиатга хос салоҳият, рух, ирода кучи ва ўз-ўзини такомиллаштириш қобилияти очиб берилади. Бу олий қадриятларни англашда инсон моҳиятида ўз-ўзини билиши рўй беради. Инсонни энг юқори даражада англашдаги Гўзаллик ва Эркинлик тушунчалари битта мавжудотни билдиради, яъни Озодлик Гўзалликнинг ахлоқий, Гўзаллик эса Озодликнинг эстетик ифодасидир.

Гўзаллик энг юқори эстетик қийматдир. Голсуорси учун бу мукамаллик ёки яхшилик ғоясига тўғри келади. Шунинг учун ҳам, унинг

¹³Джон Голсуорси. Искусство и война.// Соч. В 16 т.Т.16. – М.: «Правда», 1962. - С.366-367.

¹⁴Қаранг. John Galsworthy. Solitary Confinement. Complete Works of John Galsworthy.

First published in the United Kingdom in 2013 by Delphi Classics.
<https://books.google.co.uz/books?id=DWgbAgAAQBAJ&pg=PT7&lpg=PT7&dq> (муаллиф таржимаси)

ғояларида санъат асл маънавиятли ва инсонпарвар ҳаётнинг аналогига айланди. Фақатгина Гўзаллик хизматида ҳақиқий маънавий эркинликни қўлга киритган рассом, унинг ишончига кўра, сўзнинг тўлиқ маъносидаги инсон эди.

Биз шунга ўхшаш қарашларни Ф.В.Шеллингнинг бадий фалсафасида кузатамиз, у учун инсоннинг дунёқараши ва қадрият йўналишларини шакллантиришда санъат муҳим аҳамият касб этади. Шеллинг санъатни ахлоқ, илм-фан, фалсафадан устун кўяди, чунки у ўз-ўзидан мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бироқ, бундай позиция маълум заиф томонларга тўла эди. Голсуорсининг рассом сифатида яратган аҳамиятини ҳеч нарса камсита олмайди, аммо унинг санъатни инкор этиб бўлмайдиган кучига ишониши шубҳасиз нотўғри. Инсоният тарихининг ривожланиши ҳар доим номукамал дунёда яшаган ва яшаётганлигини кўрсатади, шунинг учун санъатни инсоният ишларида ягона ривожланаётган омил деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Бобда ёзувчининг Гўзалликнинг фалсафий моҳияти ҳақидаги ғояларининг машхур файласуфлар Аристотел, И.Кант, Ф.В.Гегель, Ф.Шиллер, Ф.В.Шеллинг, Ф.Хатчесон, Л.Н.Столович билан қиёсий таҳлили ўтказилди.

Ушбу қисмда Голсуорсининг Эркинлик категорияси концепцияси ҳам очиқ берилган. «Фарисейлар ороли» романида инсонни биологик ва ижтимоий сифатлар жамланмасида қадрият тарзидаги тасаввур акс этирилган, чунки сўз эркинлигини чеклаш шахснинг такомиллашувига тўсқинлик қилади. «Патриций» романида Голсуорси инсоннинг эркинлиги унинг масъулиятига бевосита мутаносибдир, деган фикрни ифодалайди. Ўзининг ахлоқий танловида инсон ўзи учун жавобгар бўлмасдан, балки бошқаларга – ўзи масъул бўлган, уларни ўзининг бир қисми сифатида деб қабул қиладиган инсонларга ҳам жавобгардир.

Танлов эркинлигига эга бўлган инсон барибир ҳам шароитга қараб ҳаракат қилади. Голсуорси «Эркин ирода ва детерминизм» тезисида шундай дейди: Ёзувчининг эркин ирода ҳақидаги ахлоқий қарашлари детерминизмга умуман зид эмас.

Голсуорсининг ижодида аёлларнинг эркинлиги мавзуси ўз ичига аёлларнинг никоҳ эркинлигини, сиёсий эркинлик ва ижтимоий озодлик қамраб олган тушунчага айланади. Бу тушунча «Мулқдор», «Бошқа соҳилга» романларида, «Хотин-қизларнинг овоз бериш ҳуқуқи», «Жаноблар, бизга ҳордиқ чиқаришга имкон беринг!», «Эркинлик ва имтиёз» мақолаларида ўз аксини топган. Голсуорси эркак ва аёл борлигини Коинот борлиғи билан тенглаштиради. У Ҳокимиятга Ирода ва Муҳаббатга Ирода, ўз навбатида, оламнинг жонлантирувчи тамойиллари эди, деган фикрни қайд этади. Яъни, эркак ва аёлларнинг барча соҳалардаги тенглиги Коинотдаги мувозанатнинг аксидир ва бунда бизнинг дунёмиз турибди.

Голсуорси феминистик ҳаракатга бўлган муносабатини 1909 йил 2 октябрда «Аёлларга овоз бериш ҳуқуқи» номли мактубида акс этиради. Унда у чинакамига унинг ортида манфаатдор доиралар борлигини англаб,

суфражистларнинг жангари тактикасини қўллаб-қувватламаслигини айтади. Шу билан бирга, Голсуорси бу ҳаракатнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг диалектик ҳошиясини тушунади. Илмий-техник тараққиёт, саноатнинг ривожланиши, фалсафа, психология, адабиётда янги ғояларнинг пайдо бўлиши аёлларнинг озод бўлишига олиб келди. Ўқувчига ёзган мактубида у аёллар ҳаракати шафқатсиз ҳокимият устунлигининг сўнгги қўпол белгисини йўқ қилиш ҳаракати ва жангсиз ғалаба қозонишига сабабчи муносабатлар мавжудлигини қайд этади.

«Джон Голсуорси қарашларида ижтимоий-фалсафий муаммолар» деб номланган учинчи бобда, ижтимоий детерминизм муаммолари тадқиқ этилади. Урушнинг жамият ва шахсга таъсири, Англияда саноатнинг ривожланиши ва жамиятнинг ижтимоий дифференциясида иқтисодий омилларнинг роли, жамият шаклланишида тарихий жараённинг объектив ва субъектив омилларининг аҳамияти марказий ўринни эгаллайди.

Уруш ва ижтимоий муаммоларнинг диалектикаси ёзувчи томонидан «Авлиёнинг йўли» романининг асосий қаҳрамони Ноелнинг рассом Лавенди билан диалогда очиб берилади, уруш инсон муносабатларини содда, тушунарли қилади, тинчлик даврида эса одамлар мослашиш, ҳийла ва эпчилликни қўллашга мажбурдирлар, деган фикрни ифодалайди¹⁵. Голсуорси жамият тинчлик даврида қўядиган ахлоқ, анъаналар, қонунга бўйсунуш, ижтимоий тенгсизлик ва бошқалар каби барча тўсиқларни – далилларни очиқ-ойдин очади. Бунинг ўрнига инсонни «элементар» шаклга келтирадиган инстинктлар фож этилади.

Эҳтимол, буюк немис файласуфи Иммануил Кантнинг идеалистик гуманизми ва сиёсий тасаввурлари, айниқса, урушнинг олдини олиш воситаси сифатида Озод давлатлар федерацияси ғояси Голсуорсини бефарқ қолдирмаган. «Уруш ҳақида иккинчи мулоҳазалар» мақоласида у аслида Кантдан иқтибос келтиради.

Голсуорси ўзининг деярли барча асарларида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бир-бирига боғлайди ва натижада жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳолати ҳақида хулоса чиқаради. Ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим соҳалари бир-бири билан диалектик алоқада бўлади. Масалан, Форсайт ёки Пендайслар, Голсуорсининг романлари қаҳрамонлари ижтимоий онг ва бошқа ижтимоий муносабатлар ташувчиларидир. Зеро, у қурилиш давридаги иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий соҳаларнинг асосий ўзаги бўлган мулкдор синф вакиллари дир.

Джон Голсуорси ўзи яшаб турган ўтиш даврида жамиятда кишилар психологиясидаги кайфият ва ўзгаришларни акс эттиради. Джон Голсуорсининг фалсафий ғояларини таҳлил этишнинг илмий-назарий аҳамияти шундаки, у ўз асарларида ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онгнинг ўзаро муносабатларини очиб беришга ҳаракат қилади. «Оққуш кўшиғи» романида заминдор Бентуорт камбағалларнинг аҳволини ўзгартириш мумкин эмас, деган қарашни ифодалаб, сабаб-оқибат муносабатларига, яъни ирсиятга

¹⁵Джон Голсуорси. Путь святого.// Соч. В 16 т.Т.9. – М.: «Правда», 1962. - С.171.

ишора қилади. Унинг айтишича, «харобаларнинг аҳолисини озиклантириш мумкин, аммо унинг характерини ўзгартириб бўлмайди»¹⁶.

Голсуорси фалсафасида санъат алоҳида ўрин тутади. У «Адабиёт ва ҳаёт» (1929) мақоласида санъатнинг мақсади ҳақида гапирганда, «инсоннинг янада яхши ва буюклиги учун» эканлигини таъкидлайди.

Унинг фикрига кўра, санъатда турли жанрларнинг шаклланишига нафақат жамиятнинг моддий асослари, балки бошқа ижтимоий ҳодисалар ҳам таъсир қилади. Голсуорси «Кумуш қошиқ» ва «Оққуш кўшиғи»да урушдан кейин инглизларнинг ёш авлодини тасвирлайди. Бу одамлар Виктория давридаги авлодга модага интилишдан ташқари, ҳеч қандай идеал ва мақсадга эга бўлмаган хароб руҳ билан мутлақо зиддирлар. Ёш декадент шоир Уилфрид чўл уруш оловидан ўтиб, ўзининг олдинги идеалларини йўқотди, аммо «йўқолган авлод»нинг кўплаб ёшлари сингари у янгиларини топмаганлигини айтади. Чўл образини яратиб, унинг номи инглизчадан «чўл» деб таржима қилинган бўлса ҳам, Голсуорси гўзаллик ва эзгулик ғояларига ишонган ижодкорларнинг санъат ва умидсизлик учун ҳалокатли ролини кўрсатади.

